

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ўзбекистан Республикаси Давлат  
солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр  
агентлигининг Давлат кадастрлари  
палатасининг Навоий вилояти  
бошқармаси бошлиғи, танлов  
комиссияси раиси



\_\_\_\_\_ **М.Носиров**

\_\_\_\_\_» **февраль 2022 йил**

***ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ***

**“Навоий вилояти Учқудуқ тумани филиали маъмурий биносини  
жорий таъмирлаш ”**  
(танлов предметининг номи)

**Навоий - 2022 йил**

## УМУМИЙ ҚИСМ

### ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАКЛИФИ

Ўзбекистан Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатасининг Навоий вилояти бошқармаси буюртмачилигида танловда иштирок этишга

---

ни таклиф этади ва қуйидаги “**Навоий вилояти Учқудук тумани филиали маъмурий биносини жорий таъмирлаш**” объекти буйича танлов таклифини тақдим этилишини сўрайди.

**Лойиҳани молиялаштириш:** ўз маблағи ҳисобидан.

**Буюртмачини бошланғич қиймати, ҚҚС билан 259 993 856 сўм,**

**Буюртмачи белгиланган ишларни тугатиш муддати – 90 кун.**

Танловларда қуйидагилар иштирок этиши мумкин:

Танлов шартларига асосан танловда катнашиш истагини билдирган маҳаллий ва ҳорижий қурилиш ташкилотлари, корхона ва фирмалар;

Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади. (ТАНЛОВЛАР АХБОРОТ ЖАДВАЛИ (ТАЖ) га қаранг).

Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

Танлов таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар «Танлов иштирокчилари учун Йўриқнома»да акс эттирилган.

**Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан**

танишиб чиқиш ва танлов таклифни тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) такдим этилиши ҳақида муурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Шунингдек, буюртмачи лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек график қисмини (чизмаларнинг асли нусхаси ёки электрон варианты)ни танлов иштирокчисига унинг биринчи талаби бўйича беришга мажбур.

Танлов предмети бўйича танлов ҳужжатларини танлов ташкилотчиси – танлов ҳужжатларини [www. https://etender.uzex.uz/](http://www.https://etender.uzex.uz/) электрон порталидан олиш мумкин.

Танлов ҳужжатларини сотиб олиш ҳақидаги муурожаатлар юқоридаги манзилга жўнатилади.

Таклифлар танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги электронманзилда электрон тарзда қабул қилинади.

Танлов ташкилотчисига таклифларни такдим этишнинг сўнгги муддати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_, оферталар [www. https://etender.uzex.uz/](http://www.https://etender.uzex.uz/) электрон порталида куриб чиқилади. Ўзбекистан Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатасининг Навоий вилояти бошқармаси.Иштирокчилар томонидан танловга таклифларни такдим этилиши, уларни лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари)ни ўрганиб, моҳиятини тушунганлиги, иш хажми, курилиш маҳсулотлари, конструкцияси, ҳамда лойиҳада кўрсатилган бошқа шартлар билан танишиб чиққанлигини тасдиқлайди.

Таклифларни [www. https://etender.uzex.uz/](http://www.https://etender.uzex.uz/) электрон порталида куриб чиқилади

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ- ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРГА ЙЎРИҚНОМА**

### **I. ИШЛАРНИНГ ҚИСКАЧА ТАЪРИФИ**

- 1.1. **Танловлар ахборот жадвалида (келгусида-ТАЖ)** кўрсатилган буюртмачи ТАЖда кўрсатилган объект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, кўрсатилган танлов ташкилотчиси номидан иш юритиб, ТАЖда кўрсатилган объект (келгусида «объект» деб номланади) бўйича танлов эълон қилади.
- 1.2. Танлов тури – очик танлов, агар ТАЖда бошқаси айтиб ўтилмаган бўлса.
- 1.3. Объектда бажариладиган ишлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи шаҳарсозлик меъёр ва стандартларига тўла мос келишини таъминлаш мақсадида, талаб қилинувчи барча ишчи кучлари, материаллар, ёнилғи, сарфланадиган қисмлар, жихозлар, умумий ва алоҳида характердаги хизматлар, барча зарур бўлган йўлдош ва ёрдамчи иш ва материаллар, фаолиятнинг зарурий мувофиқлаштириш ишларини назарда тутди.

### **III. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ, ТАНЛОВЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ**

- 3.1. Талабгорлар танлов иштирокчилари учун эълон, таклиф ва мазкур Йўриқномада кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.
- 3.1. Талабгор танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига мурожаат этиши, танлов ҳужжатларини сотиб олиши ва мазкур йўриқноманинг VII-боби талабларига биноан танлов таклифини тақдим этиши керак.
- 3.2. Талабгорлар танлов ҳужжатларини расмий равишда танлов ташкилотчисидан сотиб олишлари керак.
- 3.3. Талабгор ўзининг танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак. Бунда буюртмачи, танлов ташкилотчиси, танлов комиссияси танлов натижаларининг қандай яқунланишидан қатъий назар, мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.
- 3.4. Талабгорлар томонидан тақдим этиладиган таклифлар (ҳужжатлар) танлов ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос тушиши керак.

### **IV. ҲУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ**

- 4.1. Танлов иштирокчилари танлов ва лойиҳа ҳужжатларини ўрганиб чиқишлари керак.
  - 4.2. Танлов иштирокчилари ишлар олиб бориладиган ер участкасини ва мавжуд бино ва иншоотларни бориб кўришлари шарт.
  - 4.3. Танлов иштирокчилари танлов предметини лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш мақсадида буюртмачига тақдим этилиши тўғрисида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.
- Шунингдек, буюртмачи лойиҳа ҳужжатларини (чизмаларнинг асли нусхаси ёки электрон варианты) ни танлов иштирокчисига унинг биринчи талаби билан беришга мажбур.
- 4.4. Танлов иштирокчилари жойнинг ўзида, сўровлар ва тадқиқотларни ўрганиш натижасида, талаб этилган ишларни олиб бориш натижасида хал этилиши зарур бўлган муаммоларнинг моҳияти билан танишишлари керак, шунингдек иш муддати ва унинг қийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа масалаларни билишга ҳақли.
  - 4.5. Таклифларни топшириш танлов иштирокчисининг юқоридагиларни ўргангани ва тадқиқ этганига ва унда ишларни бажариш, ишларнинг физик хажмига, материал ва конструкциялар хажмига, бошқа шартларга нисбатан, лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўқлигига далолат ҳисобланади.

### **V. ТАНЛОВ ТАКЛИФИНИ ТАЙЁРЛАШ**

- 5.1. Танлов иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, танловга оид барча жўнатмалар ва ҳужжатлар, танлов иштирокчилари билан буюртмачи ва ташкилотчи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда кўрсатилган тилда олиб борилиши керак.
- 5.2. Танлов иштирокчиси томонидан тайёрланган танлов таклифида, унга оид барча жўнатмалар ва ҳужжатларда метр системаси ўлчовидан фойдаланилади.
- 5.3. Танлов иштирокчиси ўзининг танлов таклифини мазкур танлов ҳужжатлари асосида тайёрлайди.  
Мазкур лойиҳага оид барча маълумотлар **Танловлар ахборот жадвали (ТАЖ)**да келтирилган. ТАЖда ва танлов ҳужжатларининг бошқа қисмларида кўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, талабгор ўзининг танлов таклифини тайёрлашда **Танловлар ахборот жадвали** маълумотларини ҳисобга олиши керак.
- 5.4. Талабгор ўз танлов таклифининг таркибида фақат тўғри маълумотларни тақдим этиши шарт.
- 5.5. Талабгор ўз таклифида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

## **VI. ТАНЛОВ ТАКЛИФИ ТАРКИБИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР**

- 6.1. Танлов таклифлари, 7.7-бандда кўрсатилган ҳоллардан ташқари, иккита - биринчи ва иккинчи пакетдан ташкил топади. 1-пакетга кирувчи ҳужжатларда танлов таклифи қийматига оид ҳеч қандай ахборотлар бўлмаслиги керак. Таклифни ташкил этувчи барча нархлар, тарифлар ва якуний суммалар фақат 2-пакетнинг ҳужжатларида бўлади.
- 6.2. **1-пакет таркибидаги ҳужжатлар:**
  - 6.2.1. Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати (Куйилма № 1). *Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати (1-куйилма) ёки буюртмачи белгилаган ва танлов комиссияси тасдиқлаган миқдордаги пул маблағларини (объект бошланғич қийматининг 1% ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса) буюртмачининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан танловда иштирок этиш буюртмасини таъминлаш ёки тўлов топшириқномаси нусхаси, ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса.*
    - 6.2.1.2. *Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, банк кафолатининг амал қилиш муддати буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги шартнома имзоланган кундан 90 кундан кам бўлмаслиги керак.*
    - 6.2.2. Танлов иштирокчисининг ташкилий шакли ҳақида маълумот (куйилма №2). *Маълумотда талабгор ташкилотнинг қарамозидаги бўлинмалар билан биргаликдаги структурасини кўрсатиши ва бўлинмалар фаолиятини қисқача таърифини бериши керак.*
    - 6.2.3. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (куйилма №3). *Куйилмани тўлдиришида мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони пудратчи томонидан мустақил кўрсатилади. Керак бўлганда танлов комиссияси талабига асосан талабгор кўрсатилган ҳисобларни ҳақиқатда мавжудлигини, уларни иш стажини тасдиқловчи ҳужжатларни ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхасини тақдим этишига мажбур.*
    - 6.2.4. Танлов иштирокчисининг охириги уч йилдаги молиявий аҳволи (куйилма №4). *Куйилмага талабгор аудитор компанияси ёки солиқ идоралари томонидан тасдиқланган молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаларини илова қилишига мажбур. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, 4-куйилмадаги маълумотлар млн. сўмда келтирилади.*
    - 6.2.5. Объект бошланғич нархининг 20% миқдоридида айланма маблағлар бериш ҳақидаги банк кафилиги (куйилма №5) *(ТАЖга қаранг).*
      - 6.2.5.1. *Талабгорда объект бошланғич нархининг 20% миқдоридидаги айланма маблағлар мавжуд бўлганда, талабгор унга хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади. Маълумотнома эркин шаклда банкнинг фирма бланкида белгиланган тартибда*

*расмийлаштирилган ва қайдланган ҳолда тақдим этилади. Айланма маблағлар объект бошланғич нархининг 20% дан кам миқдорини ташкил этган ҳолларда, талабгор айланма маблағлари мавжудлиги ҳақидаги банк тасдиқлаган маълумотномани ва етмаётган суммага банк кафиллигини тақдим этади.*

6.2.5.2. *Айланма маблағлар миқдори ТАЖда кўрсатилган.*

6.2.5.3. *Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, банк кафиллигининг амал қилиш муддати буютмачи ва пудратчи ўртасидаги шартнома имзоланган кундан 90 кундан кам бўлмаслиги керак.*

6.2.5.4. *Банк кафиллиги фақатгина керакли лимитлар ва кредит ресурслари ёки юқори турувчи банк ёки кредит комитетининг тасдиғига эга бўлган банк муассасаси томонидан берилиши мумкин. Бунда кафилликни тасдиқловчи ҳужжатнинг рақами, санаси ва юқори турувчи банк раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.*

6.2.6. *Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси (қуйилма № 6). Ушбу қуйилмада пудратчи жадвали тўлдириши, танловдагига ўхшаш ишларнинг асосий турларини санаб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишлар бажарилган суммани кўрсатиши керак. Агар ТАЖда бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса, унда қиймат млн.сўмда кўрсатилади. Қуйилмада кўрсатилган маълумотларни тасдиғи сифатида давлат комиссияларининг далолатномалари агар оферент бош пудратчи бўлса ёки субпудратчи сифатида ишлаётган бўлса ҳисоб-фактура - маълумоти илова қилинади.*

6.2.7. *Ишларни бажаришда фойдаланадиган пудратчининг машина ва механизмлари рўйхати (қуйилма №7). Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара, лизинг ва субпудрат асосидаги машина ва механизмлардан фойдаланиш рухсат этилади. Бунда талабгор лойиҳани бажариш даврида ҳақиқий бўлган лизинг ёки субпудрат шартномасининг нусхасини ёки ижарага берувчини кафолат хатини илова қилиши керак.*

6.2.8. *Талабгор танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танлов предмети бўлмиш объектни куриш (реконструкция, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган танлов (объектлари) ҳақида маълумот (қуйилма № 8).*

6.2.9. *Курилиш майдонини кўрганлик гувоҳномаси (қуйилма № 9).*

6.2.10. *Танлов иштирокчисига берилган, ҳужжатларга имзо чекиш ва танловларда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома (қуйилма №10). Танловларда талабгорнинг биринчи шахси (раҳбари) иштирок этганда ушбу шакл тўлдирилмайди.*

6.2.11. *Қайдлаш ҳужжатларининг нусхалари, субпудратчининг ҳужжатлари билан бирга.*

6.2.12. *Лицензиялар, рухсатномалар ёки допусklar нусхаси, субпудратчининг лицензиялари, рухсатномалари ёки допусklarининг нусхалари билан бирга, агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса. Лицензиялар, рухсатномалар ва допусklar номи ҳам ТАЖда кўрсатилган.*

6.2.13. *Юкорида шаклларга ва ҳужжатларга талабгор ТАЖда кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши керак.*

**6.3. 2-пакет таркибидаги ҳужжатлар:**

6.3.1. *Лойиҳани бажаришга буюртма, иловаси билан (илова № 1).*

6.3.2. *Объект курилишининг умумий графиги (илова № 2).*

6.3.3. *Объект курилишини молиялаштириш умумий графиги (илова № 3).*

6.3.4. *Объект курилишининг шартномавий нархини белгилашда қўлланилган объект йиғма жадвали, ишлар ва ресурсларнинг физик иш хажмлари ведомости, асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлар жадвали (илова № 4). Асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлар жадвали мазкур Йўриқноманинг 8.2.-бандида кўрсатилган ҳолларда тақдим этилади.*

## **VII. ТАНЛОВ ТАКЛИФИ БАҲОСИ**

- 7.1. Ишларнинг қиймати 4-иловада кўрсатилган объект ишлари ва ресурсларининг физик иш ҳажмлари ведомостига биноан тақдим этилиши керак. Ишлар ва ресурслар ҳажми ведомостида ҳар қайси ўрин бўйича бўш жойлар талабгор таклиф этаётган баҳо кўрсатилган ҳолда аниқ тўлдирилган бўлиши керак. Танлов иштирокчиси таклифнинг умумий баҳосини чиқариш учун оралиқ суммаларни жамлаши керак. Талабгорлар танловда иштирок этаётганда объектнинг таклиф этилаётган қийматини, қурилиш-монтаж ишларининг шартномавий баҳолардаги тўғридан-тўғри қиймати сифатида бошқа ҳаражатлар ва қўшимча қиймат солиғи (ККС)ни ҳисобга олган ҳолда белгилашлари керак. Қурилиш-монтаж ишларининг тўғридан-тўғри қийматига доимий коэффицент сифатида қўлланиладиган бошқа ҳаражатлар қийматини талабгор мустақил равишда белгилайди ва ишлар қийматига киритади.
- 7.2. Қурилишнинг иккинчи ва ундан кейинги йилларига ўтадиган объектлар бўйича талабгор объект қурилиши (реконструкция, капитал таъмирлаш) нинг шартномавий нархини белгилашда қўлланилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлар жадвалини тўлдиради.  
Бунда компонентлар сони чегараланмайди ва пудратчи томонидан мустақил танлов предметининг техник жиҳатларидан келиб чиқиб танланади. Ҳар бир аниқ объект учун компонентлар ва асосий қурилиш материаллари номенклатураси (расмий рўйхати) объект қийматининг камида 70% ташкил этувчи асосий нарх шакллантирувчи компонентларни ҳисобга олган ҳолда танланади.
- 7.3. Танлов иштирокчиси ишлар ҳажми ва ресурсларни баҳоланган ведомостини ва асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлар жадвалини босма кўринишда, хат доғларисиз ва тузатишларсиз тақдим этиши керак.
- 7.4. Сўз билан кўрсатилган нарх ва рақам билан кўрсатилган нарх орасида тафовут бўлса сўз билан кўрсатилган нарх қабул қилинади.
- 7.5. Ҳажм (ресурс) бирлигининг қиймати ва ишларнинг умумий ҳажми (ресурслар) суммаси орасида тафовут бўлса ҳажм бирлигига белгиланган нарх қабул қилинади. Иш қиймати ва ресурслар қиймати орасида тафовут бўлса, мазкур иш турининг ресурслар суммаси бўйича белгиланган нарх қабул қилинади.
- 7.6. Танловларда белгиланган қурилишнинг нархи ва муддати ўзгартирилиши мумкин эмас, қонунчилик билан белгиланган ҳолатлар (буюртмачи томонидан ишлар ҳажмини ўзгартирилиши, енгилмас куч таъсири, қурилишнинг бир йилдан ортиқ давомийлиги) бундан мустасно.
- 7.7. Шартнома нархини иккинчи ва кейинги йилларга мувофиқлаштириш асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари ўзгарганда қонунчиликда белгиланган тартибда олиб борилади.

#### **IX. ТАНЛОВ ТАКЛИФНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ.**

- 8.1. Танлов таклифнинг амал қилиш даври танлов таклифлари очилган кундан бошлаб **90 кундан** кам бўлмаслиги керак, агарда ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса.
- 8.2. Алоҳида ҳолларда таклифнинг бирламчи амал қилиш даври тугаш вақтигача ташкилотчи танлов иштирокчилари билан таклифнинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақида келишиши мумкин, келишувни ёзма шаклда расмийлаштирилган ҳолда.

#### **IX. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ.**

- 9.1. Танлов иштирокчиси таклифни ташкил этувчи барча ҳужжатларнинг [www.etender.uzex.uz/](http://www.etender.uzex.uz/) электрон порталида юклайди

Ҳужалик бўлими бошлиғи :



Ш. Р. Алимова